

ШАРТНОМА №-31

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш ҳақида)

«25» май 2022 йил

Фаргона ш

Фаргона ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернати директори У.Мамаджанов
(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, низоми асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан
ЯТТ Ашимов Мухаммаджон Махмуджонович корхонаси (кейинги ўринларда «берувчи» деб аталади) номидан раҳбар

М.М.Ашимов

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Сотиб олувчи» эса қабул қилиб олинган маҳсулот еки товар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Пюпитр, подставка для нот	Шт.	20	250 000	5000000
2	Рубоб (Анъанавий)	Шт.	10	3 750 000	37500000
3	Дутор (Анъанавий)	Шт.	10	2 750 000	27500000
4	Ғижжак (Анъанавий)	Шт.	10	2 875 000	28750000
5	Дойра	Шт.	10	2 000 000	20000000
6	Уд	Шт.	8	3 750 000	30000000
7	Най	Шт.	8	937 500	7500000
8	Кўшнай	Шт.	4	750 000	3000000
9	Чанг (Анъанавий)	Шт.	10	7 625 000	76250000
10	Қонун	Шт.	7	3 125 000	21875000
11	Танбур (Анъанавий)	Шт.	12	2 750 000	33000000
12	Электронная Фортепиано	Шт.	9	8 840 000	79560000
xx	Жами:				369 935 000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: 369 935 000 Уч юз олтимиш тўққиз миллион тўққиз юз ўттиз беш минг сўм

(рақамлар ва ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат) нинг 30 фоизи микдорида пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 40 (кирик) кун муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Сотиб олувчи»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Сотиб олувчи»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Сотиб олувчи» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

- «Сотиб олувчи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.
- 7.2. «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,5 % миқдорида «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.
- 7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб булади.
- 7.4. «Сотиб олувчи» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.
- 7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарк етказиб берувчи томонидан қопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

- 8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай ҳолатлар тегишлидир.
- 8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.
- 8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.
- 8.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини қарор қилади.
- 8.5. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш кун ичи мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
- 8.6. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо ҳужалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.
- 9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.
- 9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «15» май 2022 йил дан «31» декабр 2022 йил гача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлими) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга кирди.

X. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

ЯТТ Ашимов Мухаммадjon Махмуджонович

Фарғона ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернати

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Тошкент Шахар Олмазор тумани

Манзил: Фарғона шаҳри Унверситет кучаси 33 уй,

Тел./факс: 90 999 44 90

Тел./факс:

Хисоб варак: 20218000200615605001

ш/х*: 100021860304017092300056004

Банк номи: Тошкент ш. ДТ Халк банки Олмазор ф.

СТИР: 307 719 879 ОКЭД:

МФО: 00828 СТИР: 506319524

Ғазначилик бўлими

ОКОНХ:

Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010

Батаъин Марказий банк ХКММ Тошкент ш.Б.Б.

СТИР: 201 122 919

Рахбар: 

М.М. АШИМОВ

(имзо)

У.Мамаджанов
(Ф.И.Ш.)

М.Ў.

ХУҚУҚИЙ ХАВОСА
Ушбу шартнома лойиҳаси амалдаги
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва
Ҳужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий - ҳуқуқий базаси "Ўзбекистон"
Қонунчи талабларига мос келади. Ушбу шарт-
номани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.
Юрисқ. А.О. Абдураҳимов